# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 2 июнь, № 108 (5528) Шанба


## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРГА ИМТИЁЗЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қуролли Кучлар қисмлари ва бўлинмаларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларга республика олий ўқув юртларига кириш учун тавсияномалар беришда тегишли тартиб ўрнатиш, шунингдек, уларга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи омилларини кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 31 октябрдаги ПҚ-213-сон қарорининг 1-банди ўзгартирилиб, 2012/2013 ўқув йилидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқаролар барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалаврлар тайёрлашда республиканинг барча олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мумкин бўлган максимал балларнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўладилар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги томонидан олий таълим муассасаларига кириш учун берилган тавсияномалар, улар берилган санадан бошлаб, уч йил мобайнида амал қилади;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, аммо улар учун имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча балларни ҳисобга олган ҳолда танловдан ўта олмаган абитуриентларнинг республикадаги бошқа олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисидаги аризалари, тест синовлари тугагандан кейин 10 кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Бунда абитуриент танлаган бошқа олий ўқув юртларига қабул қилиш тасдиқланган умумий қабул квотаси доирасида, имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча баллни ҳисобга олган ҳолда, фанлар бўйича топширилган тест синовлари фанлар тўплами (блоки) ва абитуриент томонидан тўпланган балларга мувофиқ, таълим йўналишлари бўйича Давлат комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади.

2. Вазирлар Маҳкамаси 2012 йилнинг 10 июлигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни, ушбу қарорнинг 1-бандида баён этилган талабларни ҳисобга олган ҳолда, олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларга республиканинг олий ўқув юртларига кириш учун тавсияномалар бериш чоғида тегишли тартиб ўрнатилиши учун шахсан жавобгар эканликлари, тавсияномалар жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда юқори натижаларга, зарур билим даражасига эга бўлган муносиб номзодларгагина берилишини назарда тутишлари кераклиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 31 октябрдаги ПҚ-213-сон қарорининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу ҳужжатдан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ҳ. А. Муҳитдинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 31 май

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан, 2012 йил 5-6 июнь кунлари расмий ташриф билан Хитойда бўлади.

Хитой раҳбарияти билан учрашув ва музокаралар чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилиниши режалаштирилмоқда.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация, Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва бошқа соҳаларда янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари 6-7 июнь кунлари Пекин шаҳрида бўлиб ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги Саммити ишида иштирок этади.

## Ўзбекистон – Россия: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

*Ўзбекистон ва Россияни кўп йиллик тарихий алоқалар боғлаб келади. Бироқ мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг ўзаро муносабатлар тубдан янгича мазмун-моҳият касб этди. Тарихдан маълумки, Россия биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини тан олган эди. Давлатларимиз ўртасидаги дипломатия муносабатлари эса 1992 йил 20 март куни ўрнатилди.*

### Биз ва жаҳон

Ортда қолган йиллар мобайнида Ўзбекистон ва Россия ўртасида стратегик шериклик ва иттифоқчилик, ўзаро манфаатдорлик, бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган дўстона муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши катта йўлни босиб ўтди.

Бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг ўсувчанлик ҳолати олий ва юқори даражадаги мунтазам учрашувлар билан изоҳланади. Ҳукуматлараро, парламентлараро, идоралараро алоқалар, ишбилармон доиралар вакилларининг анжуманлари анъана тусини олди, минтақалараро ҳамкорлик фаоллашмоқда, ижтимоий-сиёсий, илмий ва маданий йўналишлардаги ўзаро муносабатлар ҳам тобора ривож топмоқда. Томонлар узоқ муддатли манфаатларга асосланган кўп қиррали ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга доимо тайёрдирлар.

Икки мамлакат раҳбарлари томонидан 1992 йил 30 майда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, 2004 йил 16 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисида Шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган асосий ҳужжатлар ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Россия ўртасида ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олган икки томонлама шартномаларнинг салмоқли асоси ҳам мавжуддир.

Иқтисодий йўналиш икки томонлама муносабатларнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Бугунги кунга қадар Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикасининг энг йирик ташқи савдо шериги сифатидаги мавқеини барқарор сақлаб келади. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз жами товар айланмасининг бешдан бир қисми Россия ҳиссасига, ярмидан кўпроғи эса МДҲ мамлакатларининг улушига тўғри келади.

(Давоми 2-бетда).

### Тадбир

*«Туркистон» саройида «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» махсус ҳафталиги доирасида тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.*

## МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН БАХТИЁР ДИЛЛАР

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, «Sen yolg‘iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси сингари ташкилотлар томонидан ташкил этилган мазкур байрам тадбирига Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари таклиф этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида инсон омили устуворлигини таъминлаш, халқимизни ижтимоий ҳимоялашга қаратилаётган кенг кўламли эзгу ишлар ёш авлодни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб камолга етказиш, уларга пухта билим бериш, ўз қизиқиши, лаёқати бўйича касб-ҳунарга йўналтиришдек улуғвор мақсадларга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар хорижда намуна сифатида эътироф этилмоқда. Ўқувчи-ёшларга чуқур билим бериш билан бирга, улар саломатлигини асраб-авайлаш, маънавиятини ва ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш масаласига устувор вазифа сифатида ёндашилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Экспорт салоҳиятининг юксалиши

### туфайли корхоналаримиз жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгалламоқда

*Одатда, саноат корхоналари фаолиятига баҳо берилганда, уларнинг ички ва ташқи бозордаги ўрни, мавқеи, маҳсулот сифати ҳамда харидоргирлиги алоҳида эътиборга олинади. Бироқ соғлом рақобат муҳитида барқарор ўсиш суръатларига эришиш ва қолаверса, жаҳон бозорига чиқиш осонликча амалга ошмайди.*



### Ислоҳот

Айниқса, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун бу ниҳоятда мураккаб жараён. Негаки, истеъмолчиларнинг диди, эҳтиёжи, талаби ҳар хил. Қолаверса, либослар маълум ҳудуд иқлими, халқининг менталитети ҳамда амалда бўлган урфга мослаб тикилади. Шундай экан, мамлакатимизда хорижга трикотаж маҳсулоти экспорт қилувчи корхоналар кўпайиб бораётгани эътиборга молик.

Тўрткўл туманидаги “Tortkol Asaka Tekstil” масъулияти чекланган жамияти ҳам шундай илғор ишлаб чиқариш субъектларидан бири. “Turtkulteks” қўшма корхонаси негизида, “Асака” банкнинг шўъба корхонаси сифатида ташкил этилган корхонада дастлаб технологияларни янгилашга киришилди. Бўяш-пардозлаш цехида 306 миллион сўмлик қурилиш-реконструкция ишлари амалга оширилди. Кўп ўтмай трикотаж ва тикувчилик цехлари фаолият бошлади.

— Корхонамизда амалга оширилган реконструкция натижасида ўтган йили 2 миллиард 830 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик, — дейди “Tortkol Asaka Tekstil” масъулияти чекланган жамияти бош иқтисодчиси Ғайрат Машарипов. — Шундан 856,3 минг АҚШ долларилик қисми экспортга жўнатилди. Жорий йилнинг дастлабки чорагида эса ишлаб чиқариш ҳажми 1 миллиард 84 миллион сўмга, экспорт миқдори 472 минг АҚШ долларига етказилди.

Ҳозир, “Tortkol Asaka Tekstil” ёрлиғи туширилган катталар ва болалар кийим-кечаклари тобора харидоргир бўлиб бораётир. Корхонанинг 520 кишилик жамоаси бундан руҳланиб, калава ип тайёрлаш цехи фаолиятини йўлга қўйиш ҳаракатида. Бу эса келгусида маҳсулотлар таннархининг арзон бўлиши ва ишлаб чиқариш суръати ҳамда сифати янада ошишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** корхона фаолиятидан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

## Мурувват ва ғамхўрлик ифодаси

*Кеча Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази қошидаги Ахборот-консалтинг хизматлари бўлимининг мукаммал таъмирланган биноси ишга туширилди.*

### Эзгулик

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда сенаторлар, депутатлар, қатор жамоат ташкилотларининг вакиллари, марказда даволанаётган болалар ва уларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОдаги доимий вакили, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва “Сен ёлғиз эмассан” республика жамоатчилик болалар жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Лола Каримова-Тиллаева сўзга чиқиб, мамлакатимизда навқирон авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш доимий эътибордаги масала эканлигини таъкидлади.

... Маълумки, Болалар ижтимоий мослашуви маркази 2004 йилда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган. Бугун ушбу масканда шифокор, руҳшунос, дефектолог, жисмоний даволаш машғулотлари мураббийси каби малакали мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Улар махсус муолажалар ёрдамида ривожланишида нуқсони бор болаларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувига яқиндан кўмаклашишади. Қувонарлиси, бу ердаги машғулотларга қатнаб, муолажа олган болалар бугун мактабда бошқа тенгқурлари сингари ўқиб, билим олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Энг сўнгги русумдаги ахборот-коммуникация ускуналари билан жиҳозланган ушбу марказда марказий асаб, кўриш ва эшитиш тизими билан боғлиқ нуқсонларни коррекцион даволаш имконияти мавжуд. Арт-терапия устахонасида эса болалар рақс, тасвирий ва амалий санъат йўналишлари бўйича ижодий қобилиятларини юзага чиқарадилар.

(Давоми 2-бетда).

### Тақдимот

*Кеча янги “Boeing — 787— 8 — Dreamliner” лайнери дунё бўйлаб ўтказилаётган тақдимот парвозлари доирасида пойтахтимиз аэропортига келиб қўнди.*




## Сўнгги русумдаги ҳаво лайнери – Тошкентда

Ушбу воқеа юртимизда миллий ҳаво йўлларини изчил ривожлантириш, унинг авиапаркини илғор техник ва технологик воситалар билан модернизация қилишга берилаётган юксак эътиборнинг навбатдаги тасдиғидир. Сабаби нафақат бугунги, балки эртанинг-да долзарб талабларига жавоб бера оладиган бундай илғор ҳаво кемаси иқтисодиёти барқарор, ижтимоий ҳаёти фаровон бўлган дунёнинг саноқли давлатлари авиация паркларигагина безак бўла олади.

— “Boeing-787-8-Dreamliner” кенг корпусга эга, — дейди “Boeing” корпорацияси вакили Марти Бентротт. — Самолёт ҳозирги кун фан-техника ютуқларини ўзида мужассамлаштирган. Хусусан, унинг асосий қисми юқори сифатли композицион материаллардан тайёрланган. Бу лайнер вазнида сезиларли ютуқ бўлиб, парвоз сифатини янада оширишга, хавфсизликни кучайтиришга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон — Россия:

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қайд этиш жоизки, 2011 йил якунларига кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланмаси 6 688,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Россия — Ўзбекистон муносабатларида сармоявий соҳадаги ўзаро ҳамкорлик муҳим ўринни эгаллайди. Ёқилғи-энергетика мажмуида кенг кўламли қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, биргаликда геология-қидирув ишларини олиб бориш, Ўзбекистон ҳудудидаги углеводород хом ашёси конларини ўзлаштириш ва уни манзилига етказиш билан боғлиқ ишлар ана шулар жумласидандир.

Ахборот-коммуникация технологиялари, темир йўл транспорти, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа соҳалар ҳам савдо-иқтисодий алоқаларнинг жадал суръатларда ривожланаётганига яққол мисол бўла олади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Россия капитали иштирокида ташкил этилган 944 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг тўртдан бир қисми, яъни 210 та корхона сўнгги ўтган уч йил мобайнида ишга туширилгандир.

Республикамизда Россиянинг 108 та фирма ва компанияси ваколатхоналари аккредитациядан ўтган. Ўз навбатида, Россия Федерацияси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирокида 458 та корхона барпо этилган.

Икки томонлама амалий алоқалар тараққиётида Ўзбекистон ва Россия ўртасида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолияти муҳим ўрин тутади. Мазкур комиссиянинг 2011 йил 31 май куни Москвада бўлиб ўтган 13-мажлиси якунларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки ушбу мажлис натижалари томонларнинг иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга, савдо-иқтисодиёт, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация, илмий-техника соҳаларидаги истиқболли йўналишларни белгилаб олишга бўлган ўзаро манфаатдорлигини яна бир карра тасдиқлади.

Бу йўналишда 2008 — 2012 йиллар учун мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастури Россия ва Ўзбекистон иқтисодиёти етакчи тармоқларидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш борасидаги алоқаларида сезиларли тараққиётни қўлга киритишидаги муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Гуманитар ва маданий алоқалар ривожи икки томонлама ҳамкорликнинг яна бир йўналиши ҳисобланади. Бу борадаги ҳамкорликнинг асосини “Маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида”ги Ҳукуматлараро битим ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Россия Федерацияси Маданият вазирлиги ўртасида имзоланган “Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги Битим ташкил этадики, улар айни пайтда янги амалий мазмун билан бойиб бормоқда.

Ўзбекистонда рус ва Россияда ўзбек диаспорасининг мавжудлиги ҳам маданий ҳамкорлик ривожида муҳим омил бўлаётир.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган Рус маданий маркази 20 та вилоят ва шаҳар рус жамоатчилик маданий-маърифий бирлашмаларини ўз атрофида бирлаштирган. Юртимизда 807 та рус ва ўзбек тилларида таълим берувчи мактаб мавжуд бўлиб, уларнинг 100 тасида ўқитиш фақат рус тилида олиб борилади. Мазкур мактабларда 355 минг нафардан ортиқ ўқувчи таҳсил олмоқда. Шунингдек, ўқувчиларининг умумий миқдори 57 минг нафардан ортиқ бўлган 286 та ўрта махсус таълим муассасалари (76 та академик лицей ва 210 та касб-ҳунар коллежи) фаолият юритмоқда. Улар рус тилида таҳсил оладиган 2 мингтадан ортиқ гуруҳларни ўз ичига олади.

Сўнгги йилларда таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Юртимизда бир неча йилдан буён Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси ва М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг филиаллари фаолият кўрсатиб келаётир. 2007 йилнинг 12 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Мамлакатларимиз анъанавий равишда минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, халқаро терроризм, экстремизм ва трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг бошқа кўринишлари, шунингдек, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва наркотрафикка қарши курашда саъй-ҳаракатларни бирлаштиришнинг тарафдорлари бўлиб келмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, қўшни Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бутун минтақа хавфсизлигини таъминлашда асосий омил ҳисобланади. Шу маънода, Ўзбекистон ва Россия мазкур мамлакатда турли иқтисодий-ижтимоий лойиҳаларни рўёбга чиқариш воситасида халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистондаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги улкан салоҳиятга эга бўлган ўзаро ҳамкорлик муносабатлари бундан кейин ҳам чуқурлашгани ҳолда, сермаҳсул алоқаларнинг янгидан-янги соҳаларини қамраб олишига шубҳа йўқ. Зеро, ҳам Ўзбекистон, ҳам Россия халқлари бундан манфаатдордир.

**«Жаҳон» АА.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Марказнинг капитал реконструкция қилинган Ахборот-консалтинг хизматлари бўлимида эса фитотерапия хонаси, инновацион тренажёр зали, шахмат клуби ва махсус машғулотлар ўтказишга йўналтирилган даволаш хоналари мавжуд. Бу алоҳида эҳтиёжли болаларнинг касаллик аломатларини бартараф этишга кўмак

## Мурувват ва ғамхўрлик ифодаси

бериши, турли беллашувлар, тренинглар ўтказиш учун ниҳоятда қулай эканлиги билан аҳамиятлидир. Эътиборлиси, яқин келажакда Ахборот-консалтинг хизматларини Самарқанд, Фарғона ва Қарши шаҳарларида ҳам йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

— Набирамнинг таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсони бор, шу боис уни икки ёшга етмасидан марказга олиб келганмиз, — дейди Дилбар опа Юнусова. — Жисмоний машғулот муолажалари, руҳшунос мутахассис ва шифокорлар ёрдамида у мустақил ҳаракатлана оладиган даражага етди. Бунинг учун меҳрибон, ғамхўр, ўз ишига фидойи бўлган марказ ходимларига ҳар қанча миннатдорлик билдирсам, оз. Чунки фарзандларимизнинг меҳр ва эътибордан куч олиб улғайишлари, хасталикни деб тушкунликка берилиб қолмасликлари учун улар қалб қўрини бериб, астойдил меҳнат қилишмоқда.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан марказнинг янги биноси очилишида кичкинтойларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН БАХТИЁР ДИЛЛАР



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Sen yolg‘iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Л. Каримова-Тиллаева «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимизда ёш оилалар, уларнинг фарзандларига алоҳида ғамхўрлик ва эътиборни кучайтириш, оила, маҳалла, таълим масканлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир ишлар кўлами янада кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

«Sen yolg‘iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини аниқ ва манзилли ҳимоялаш, уларнинг касб-ҳунар танлаши, иқтидорини намоён этиши, таълимнинг келгуси босқичида ўқишни давом эттиришига оид долзарб масалаларда фаол иштирок этмоқда. Жамғарма томонидан амалга оширилаётган кўплаб лойиҳалар мураккаб тақдирли болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига яқиндан кўмаклашишга хизмат қилмоқда. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида болалар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Зарур ҳолларда уларга тезкор тиббий муолажалар кўрсатилмоқда. Меҳрибонлик уйларидаги ижтимоий-педагогик-психологик хизматни такомиллаштириш, болаларга ватанпарварлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, ҳалоллик фазилатларини сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу жиҳатлар «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» ҳафталиги доирасидаги тадбирларда яна бир бор ўз ифодасини топмоқда. Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, алоҳида эҳтиёжли оилалар фарзандларига совғалар топширилмоқда. Янги спорт мажмуалари, соғломлаштириш марказлари ишга туширилмоқда. Кўрик-танловлар, концертлар, қизиқарли учрашувлар, спорт мусобақалари, диққатга сазовор жойларга саёҳатлар байрамга янада кўтаринкилик бахш этмоқда. Буларнинг барчаси миллати, ижтимоий, тиббий ҳолатидан қатъи назар, ҳар бир ўғил-қиз жамиятимизнинг меҳр ва ардоғида эканининг яққол ифодасидир.

— Ҳафталик тадбирлари юксак савияда, кўтаринки руҳда ўтмоқда, — дейди Тошкент шаҳридаги 30-Меҳрибонлик уйи директори Гулнора Ҳабирхонова. — Болалар маданият, санъат, илм-фаннинг турли йўналишлари, ҳуқуқшуносликка оид қизиқарли маълумотларга эга бўлмоқдалар. Турли ижодий танловлар, спорт мусобақалари, кўргазмаларда фаол қатнашмоқдалар. Меҳрибонлик уйлари, махсус интернатларга совғалар топширилмоқда. Бу болажонларнинг кўнглини кўтариб, уларга катта шоду хуррамлик бағишлаяпти.

«Туркистон» саройининг ёзги саҳнаси камалакранг чироқлар, турфа гуллар билан безатилган. Болалар бадиий жамоалари томонидан бири-биридан қувноқ, шўх куй-қўшиқлар, жўшқин рақслар ижро этилди. Санъат усталари ва ёш ижрочилар, ижодий жамоалар иштирокидаги катта концерт уларга байрамона кайфият бағишлади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**
**Отабек МИРСОАТОВ**
**олган сурат.**

## Ўзбекистон — Хитой:

# Тараққиётнинг янги уфқлари

*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самараси натижасида Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Айниқса, иқтисодиёт тармоқларида барқарор ўсиш суръати таъминланаётгани, чет эл сармоясини жалб этиш ва ундан фойдаланиш бўйича механизм пухта шаклланганини бугун энг ривожланган давлатларни ҳам мамлакатимиз билан фаол ҳамкорлик қилишга чорламоқда.*

### Интилиш

Хусусан, юртимизда Хитой сармояси иштирокида 382 та қўшма корхона фаолият кўрсатаётгани бунинг ёрқин исботидир.

Ана шундай қўшма корхоналардан бири — ток трансформаторлари ўлчагичи ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Электр қувватқурилмалари” қўшма корхонасидир. Маълумки, Ўзбекистонда саккиз йилдан буён бир фазали электрон асбоб тайёрлашга ихтисослашган “Электрон ҳисоблагич” қўшма корхонаси муваффақиятли ишлаб келаётган эди. Бу жамоа энергия сарфини тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, замонавий технологияларни жорий этиш масалалари билан шуғулланарди. Ана шу жараёнда халқ хўжалигини электр қуввати билан таъминлашда янги тизим яратиш эҳтиёжи туғилди. Шуни ҳисобга олиб, жорий йил бошида “Электрон ҳисоблагич” қўшма корхонаси Ўзбекистондаги “Энерготаъмир” ОАЖ ва Хитойдаги “Hallty Metering Ltd” компанияси билан биргаликда “Электр қувват қурилмалари” қўшма корхонасини ташкил этди. Умумий низом жамғармаси 500 минг АҚШ долларидан иборат бўлган ушбу қўшма корхонага “Hallty Metering Ltd” компанияси 225 минг АҚШ долларилик технологик жиҳозлар ва жамловчи материаллар билан, “Энерготаъмир” ОАЖ ишлаб чиқариш бинолари ва “Электрон ҳисоблагич” қўшма корхонаси эса пул маблағи билан ҳисса қўшди. Дастлабки босқичда жамловчи қисмларда Хитойнинг улуши устуворлик қилса, келгусида мисдан тайёрланган сим, пластмасса қопқоқлар ва бошқа эҳтиёт қисмлар Ўзбекистондаги хом ашё ресурслари ҳисобидан бойитилади.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

— Энергетикларимиз фаолиятида янгилик бўлган мазкур ускуналар илгари, асосан, чет мамлакатлардан қаттиқ валюта эвазига келтириларди, — дейди “Энерготаъмир” акционерлик жамияти бош муҳандиси Шопўлат Асқаров. — Эндиликда эса қўшма корхона шарофати туфайли импорт салмоғини сезиларли даражада камайтириш имконияти яратилди. Бундан иқтисодиётимиз қанчалик наф кўришини англаш қийин эмас.

Ташаббус ва изланиш бор жойда самарадорлик бўлади. Ҳозирги кунда қўшма корхона мутасаддилари ҳам “Тошқишлоқмаш” атрофида термопласт автоматлари ишлаб чиқарадиган янги цех қуриш, Маҳаллийлаштириш дастури асосида маҳкамловчи резина тайёрлаш лойиҳалари устида ишлаётганлари шундан далолат беради. Жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош маҳсулотлар эса пировардида иқтисодиётимиз равнақига, халқимиз турмуш даражаси яна фаровонлашувига хизмат қилади.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

# Ташаббус меваси

*Хоразм гиламлари нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам довруқ қозонмоқда. Бунда Янгиариқ туманининг Гулобод қишлоғида фаолият юритаётган “Идеал карпет” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.*

### Модернизация

Яқинда бу ерда 550 миллион сўм эвазига модернизация ишлари амалга оширилгач, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати 10 баробарга ортди. Шунингдек, 14 қўшимча иш ўрни яратилди. Ҳозир “Идеал карпет” жамоаси ойига ўртача 130 миллион сўмлик турли ҳажмдаги гиламлар тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб бераяпти.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## Сўнгги русумдаги ҳаво лайнери – Тошкентда

Уни энг сўнгги замонавий технология, электроника ва компьютер технологиялари уйғунлашгани боис соҳадаги ноёб инновация дейиш мумкин.

Мазкур само транспорти воситаси 250 — 330 нафаргача йўловчини 15700 км. узоқликкача бўлган манзилга етказиб қўя олади.

Энг муҳими, “Boeing — 787 — 8 — Dreamliner” бошқа йўловчи самолётларига нисбатан ёқилғини 20 фоизга тежаши билан аҳамиятлидир. Айни чоғда унинг салонидаги кенглик, ажойиб дизайн, бутунлай янгиланиб, такомиллаштирилган интерьерлар йўловчилар учун жуда кўплаб қулайликлар беради.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда “Boeing” корпорацияси билан 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида самарали ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Ҳозирги кунда икки томон мутахассислари “Uzbekistan airways technics” авиакорхонаси базасида композицион материаллардан тайёрланган йирик самолётларни таъмирлаш имкониятига эга цех ташкил этиш имкониятини ўрганиб чиқишаётгани ҳам бунга бир мисолдир. Бунинг мантиқий давоми сифатида 2014 — 2016 йилларда Миллий авиакомпания иккита ана шундай ҳаво кемасини қабул қилиб олади.

Эслатиб ўтамиз, янги русумнинг тақдимот маросими бундан олдин Австралия ва Янги Зеландияда ҳам ўтказилганди. Юртимизда меҳмон бўлган ҳаво лайнерининг навбатдаги манзиллари эса Саудия Арабистони, Марокаш ва Бирлашган Араб Амирликлари мамлакатларида бўлади.

**С. МАХСУМОВ.**

### Шукроналик

*Замондошларимизнинг онгу дунёқараши, ҳаёт тарзи, ўй-мақсад ва интилишлари кечаги кун одамларидан буткул фарқ қилади. Зеро, мамлакатимизда рўй берган ва бераётган янгиланишлар, қўлга киритилаётган ҳавас қилгулик ютуқлар замирида халқимизнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати, ғайрати, шашту шижоати мужассам. Президентимиз бу ҳақда фикр билдириб: “Дунёдаги ҳар қайси давлатнинг эртанги куни, истиқболини ҳал қиладиган иккита мезон, яъни аҳоли саломатлигини сақлаш ва таълим-тарбия соҳасида Ўзбекистоннинг етакчи ўринларга чиқаётгани нимадан далолат беради, бу ютуқларга қандай эришилмоқда, деган масалалар юзасидан кўпгина фикрлар билдирилмоқда, тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лекин мендан сўрашса, бу ютуқларнинг асосий мезони инсон омили, деб айтган бўлардим…” дедилар.*

# Қадримиз улуғлиги — тенгсиз саодат

Чиндан ҳам, инсон омили — кенг тушунча. Саломатлик, тарбия, шижоат, куч-қудрат, ақл-идрок, интилиш, салоҳият, сабот, бардош, ҳис-туйғу, қувонч, қайғу ва яна бошқа кўплаб хислату кечинмалар унда жо бўлган. Ва яна шуниси ҳақиқатки, бугун кенг қулоч ёйган кўйи дунё майдонига залворли одимлар билан чиқиб бораётган юртимизда инсон омили тобора теранлик касб этиб бормоқда.

…Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан мамлакатимизнинг бир неча вилоятларида бўлдик. Эртанги кунга ишончи мустаҳкам, қайноқ қалбли, теран фикрли замондошларимиз билан учрашдик, самимий суҳбат қурдик, фидойи инсонлар ҳаётидан ҳикоялар тингладик.

Йирик корхоналарга борганда, амалга оширилаётган улкан ишлардан ҳайратланганимизни айтмайсизми?..

Асакадаги “GM Uzbekistan” автомобиль корхонаси, Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи, “Навоийазот”, Қўнғирот сода заводи, “Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон” темир йўли… Мустақиллик бунёд этган бу гигант корхоналарнинг, иншоотларнинг ҳар бири бадиий солнома бўлишга арзийдиган қаҳрамонликлар мажмуасидир. Уларни ҳар қанча таъриф этса арзийди.

Ўзбекистон Қаҳрамони — машинасоз Ҳасанбой Қосимов, пахтанинг элита уруғини етиштиришда моҳиру миришкор қўрғонтепалик Алижон Аҳмедов, бухоролик, Қизилқумнинг гирибонидан олиб, ортга чекинтириб, чаманзорга айлантираётган Рўзиқули Сайилхонов, Бобоназар Чориев, наманганлик ота-бола Ботиржон ва Олимжон Исаевлар, шаҳрихонлик Одинахон Отахонова сингари фермерлар, нефтчи Шамсиддин Сайдаҳмедов, ғозғонлик тоштарош Тоир Раҳимов сингари зиёлилар ҳамда наманганлик Бахтиёр Умаров, самарқандлик Зариф Мухторов каби тадбиркорларнинг ҳалол меҳнати ва фидойилиги мени ҳайратга солади, илҳом бахш этади.

…Асакадаги “GM Uzbekistan” автомобиль заводида бўлганимизда, ишчи-хизматчилар корхона қудрати кун сайин ортиб бораётганлиги ҳақида сўзладилар:

— Шуни соддароқ тушунтириб беролмайсизми? — деб сўрадим.

— Буни биргина мисолдан ҳам билиш мумкин: ҳозир бизда ҳар бир ярим дақиқада битта автомобиль ишлаб чиқарилмоқда, — деб жавоб беришди. — Бир соатда 40 та, бир кунда эса 800 та…

Мана, инсон омили!

Билсангиз, саҳро бағрида қад кўтарган Қўнғирот сода заводининг Элобод шаҳарчаси узоқдан худди эртаклардагидек кўринади. Лекин бу сароб эмас, ҳақиқат! Равон кўчалар, кўркам тураржойлар, кишида ҳавас уйғотадиган, катта шаҳарларникидан қолишмайдиган ҳашаматли спорт мажмуаси, болалар боғчаси, мактаб, кимё-технология коллежи, Тошкент кимё-технология институти филиали бинолари савлат тўкиб турган, гавжумлашган, том маънода замонавий шаҳар!

Маълумки, кальцийланган сода бағоят нодир модда, у одатда икки хил йўл билан ишлаб чиқарилади: биринчиси — табиий хом ашё асосида, иккинчиси — синтетик ҳолда. Табиий усулда ишлаб чиқарилганининг дунё бозорида обрўси ҳам, баҳоси ҳам баланд. Негаки, жаҳонда саноқли давлатларда, аниқроғи, фақат ўн еттита мамлакат (АҚШ, Бразилия, Канада, Хитой, Ҳиндистон ва ҳоказо)да бу усул қўлланмоқда. Қувонарлиси, Ўзбекистонимиз жаҳондаги ана шундай давлатлар қаторига киради.

Қўнғирот сода заводини мўъжизага менгзаш мумкин. Зеро, у юртимиздаги энг қудратли корхоналар сирасига киради. Марказий Осиёда ягона ҳисобланадиган, довруғи ошгандан ошиб бораётган, Ватанимизнинг энг шимолий нуқтасида қад тиклаб, жаҳонга ўзининг куч-қудратини кўз-кўзлай бошлаган, мамлакатимизнинг йирик, “локомотив” корхонасининг қўлга киритаётган ютуқлари жуда салмоқли.

Мана, инсон омили!

Истиқлолимиз шарофати билан барпо этилган, уч юз гектар майдонни эгаллаган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи билан танишар эканмиз, завод директори, техника фанлари доктори Шамсиддин Сайдаҳмедовнинг сўзларига қулоқ тутдик. Ёнимизда бўйи бир терак, икки терак чиқадиган улкан нимтатир кўк рангдаги маҳобатли иссиқлик ўчоқлари бўй чўзган. Улкан ўчоқ ичида ҳайбати босадиган пурқудрат ўт, олов гувиллаганча бемисл шиддат билан юқорига ўрларди!

— Олов атрофида ўтга чидамли мустаҳкам қувурларда нефть, газ конденсати оқаяпти, — дейди завод директори. — Мана шу жуда кучли иссиқлик (нақ саккиз юз-тўққиз юз даража!) таъсирида ундан бензин, керосин, дизель ёғи, мазут ва бошқа маҳсулотлар ажралиб чиқади, кейин ҳов анови тепадаги ҳар хил қувурларга бориб қуйилади…

— Аниқликни яхши кўрамиз-да… — сўраймиз биз. — Завод, масалан, бир соатда қандай ҳажмда ишлай олади?

— Завод бир соатда 250 тонна нефть ва газни қайта ишлаб чиқаради. Уч сменада ишлаймиз. Ҳозир нефть ва газ конденсатидан 82 фоиз маҳсулот олмоқдамиз. Бу етарли эмас, албатта. Мақсадимиз олинадиган маҳсулотни 95 фоизга кўтаришдир. Тез орада бунга ҳам муваффақ бўламиз!

Мана, инсон омили!

Минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда наинки Ўзбекистон, Марказий Осиёда ҳам тенг келадигани топилмайдиган “Навоийазот” заводини кезиб юрарканмиз, “Келгуси йилга режаларингиз қандай?” деб сўраймиз корхонанинг иқтисод ва молия бошқармаси бошлиғи Ғайратжон Яхшилиқовдан.

— Режаларми?.. Кўп. Айтаверсам, сизни анча чарчатиб қўяманми… Қисқаси, охирги маррани айта қолай. Келгуси йилда 475 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни кўзда тутаяпмиз…

Мана, инсон омили!

…Шу азиз юртда қадр-қимматинг юксаклигини ҳис этиб яшамоқ, замондошларингнинг баланд марраларни забт этаётганлигини кўрмоқ улуғ бир бахт, аслида!

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси,**
**Давлат мукофоти лауреати.**

## Семинар

*Яқинда Америка фуқаролик тадқиқотлари ва тараққиёт жамғармасининг (“CRDF Global”) президенти ва бош ижрочи директори Кэтлин Кэмпбелл мамлакатимизда бўлди. Ушбу сафардан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ва “CRDF Global” ўртасидаги илмий-техникавий ҳамкорлик тараққиётининг истиқболларини муҳокама қилиш билан изоҳланади.*

# «CRDF Global» билан илмий-техникавий алоқалар кенгаяди

К. Кэмпбеллнинг сафари чоғида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасида ўтказилган учрашувларда томонларнинг илм-фан ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокамаларнинг асосий мавзуи бўлди.

К. Кэмпбелл, шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида, “CRDF Global” билан қўшма лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган Амалий биокимё лабораторияси ҳамда Геном технологиялари ва биоинформатика марказида ҳам бўлди.

Учрашувлар чоғида қўшма тадбирлар, жумладан, икки томоннинг ўз молиялаштириши ҳиссаси билан қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида тадқиқот лойиҳалари танловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. Америка компанияларининг электрон илмий-маърифий маълумотлари базаси ва “CRDF Global” томонидан ишлаб чиқилган “Виртуал илмий кутубхона” дастури воситасида жаҳоннинг етакчи илмий-техникавий нашрлари маълумотларидан фойдаланиш муаммолари ҳам тилга олинди.

Шунингдек, томонлар инновациялар соҳасидаги ҳамкорликка ҳамда Ўзбекистонда шаклланган биологик фаол моддаларнинг ноёб мажмуи асосида дори-дармонлар ишлаб чиқариш юзасидан ўзаро алоқаларни кенгайтиришга оид масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Музокаралар якуни бўйича К. Кэмпбелл ўзбек олимлари билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга комил ишонч билдирар экан, тақдим этилган қўшма лойиҳаларнинг натижалари жаҳон андозаларига мос келишини айтиб ўтди.

Сафар доирасида Ўзбекистоннинг етакчи илмий тадқиқот институтлари ва университетларининг вакиллари иштирокидаги семинар ҳам бўлиб ўтди. Унда Америка фуқаролик тадқиқотлари ва тараққиёт жамғармасининг президенти тадбир иштирокчиларини “CRDF Global” фаолияти ҳамда дунёнинг турли минтақаларида илмий-техникавий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган дастур-лойиҳалар ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, ўзбек олимлари ва мутахассисларининг мазкур дастурларда иштирок этиш имкониятлари билан таништирди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси билан Америка фуқаролик тадқиқотлари ва тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Ижроия битими имзоланди.

Учрашувда К. Кэмпбелл имзоланган мазкур ҳужжат доирасида режалаштирилаётган тадбирлар ҳақида тўхталди, семинар қатнашчиларининг саволларига атрофлича жавоб берди.

**«Жаҳон» АА.**

## Изланиш

*Қишлоқ хўжалик техникалари учун ёрдамчи эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Шўрчи таъмирлаш заводи” масъулияти чекланган жамияти кейинги икки ойда ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробар оширишга эришди.*

# Икки ойда икки баробар ўсиш

Бунда банкдан ажратилган 50 миллион сўмлик кредитдан самарали фойдаланилди. Ушбу маблағ эвазига илғор технологиялар ҳамда сифатли хом ашё материаллари харид қилинди. Ўз навбатида 10 та иш ўрни яратилди.

Ҳозир бу ерда хориждан келтирилган техника воситалари учун эҳтиёт қисмлар тайёрланаяпти.

Эътиборлиси, жорий йилда вилоятда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳисобига 4 мингта иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


● Реклама ва эълонлар ●

**«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ**

**савдолар залида 2012 йил 18 июнь ва 3 июль кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси юқорилаб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объектлар такроран қўйилганлигини маълум қилади.**

***Суд департаментининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар, Олмазор (собиқ С. Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулклар такроран савдога чиқарилмоқда:***

**1.** «Шоҳрухбек» хусусий фирмасига тегишли, Самарқанд шаҳри, Фарҳод қўрғонида жойлашган ишлаб чиқариш цехининг биноси, умумий ер майдони — 18276,81 кв.м., қурилиш ости майдони — 4717,90 кв.м.

*Бошланғич баҳоси — 534 017 610 сўм.*

**2.** «Ал-Азизбек АГТКШ» МЧЖга тегишли, Самарқанд тумани, Оҳалик қишлоғида жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳи, умумий ер майдони — 29817,12 кв.м., қурилиш ости майдони — 3268,95 кв.м.

*Бошланғич баҳоси — 307 364 544 сўм.*

Мазкур мулкларнинг бошланғич баҳоси 10 фоиз арзонлаштирилган нархларда қўйилмоқда.

***Талабгорлар диққатига!***

Ушбу мол-мулк 2012 йил 18 июнь кунидаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 3 июль куни сотилгунга қадар бўлиб ўтади.

Мазкур мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, савдо ташкилотчиси — «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖнинг «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Самарқанд шаҳар «Амир Темур» бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

**Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Абу Райҳон Беруний кўчаси, 196-уй.**
**Телефонлар: (8-366) 229-03-12, 229-65-88. Мўлжал — Чой қадоқлаш фабрикаси қаршисида.**

918A477

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ** Сурхондарё вилояти филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига «Микрокредитбанк» ОАТБ бошқарувининг 2012 йил 27 мартдаги йиғилиши қарорига асосан, «Микрокредитбанк» ОАТБ Сурхондарё вилояти бошқармасига тегишли бўлган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 41-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 3146,9 кв.м. бўлган, А, Б, В, Г, а, б, в, г, д литерлардаги (банк биноси, қўшимча бино, омборхона, ҳожатхона, девор тўсиғи, темир панжарали тўсиқ, девор, асфальт-бетон йўлак майдони ва 2 та темир дарвоза), банк бино-иншоотларидан иборат кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 350 000 000 сўм.*

Аукцион савдоси 2012 йил 18 июнь куни соат 11.00 да савдо ташкилотчиси — «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали жойлашган манзил (Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси)да бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Мазкур манзилда мулк ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.

Талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома эълон қилинган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 15 июнь куни соат 18.00.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2012 йил 18 июндаги очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2012 йил 4 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни такрорий савдо учун қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 2 июль куни соат 18.00.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун ариза, закалат келишуви, закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда, ишончнома тақдим этилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва муддатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо кунига қадар «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ОАТБ «Савдогар» банки Музработ филиали Термиз шаҳар минибанкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204920609017, МФО: 00336, СТИР: 207122519.

**Мурожаат учун телефон: (8-376) 227-57-94.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия RR-0001.* 925A/1441

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ** ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**I.** Аукцион савдосига Косон тумани СИБ томонидан, Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 14 ноябрдаги 18-1107/29665-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Косон тумани, Нартичуқур маҳалласи, Шароф Рашидов кўчасида жойлашган, Косон тумани «Гиссар Престиж» МЧЖга тегишли, 1974 йилда қурилган, умумий ер майдони 758,76 кв.м., қурилиш майдони 754,82 кв.м.дан иборат бўлган «Нурафшон» қишки кинотеатр биноси қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 159 783 000 сўм.*

**II.** Аукцион савдосига Китоб тумани СИБ томонидан, ФИБ Шаҳрисабз туманлараро судининг 2012 йил 14 мартдаги 1-992-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Китоб тумани, «Макрид» ҚФЙ, Янгиобод қишлоғида жойлашган, Китоб тумани «AZIZBEK DIYORBEK AMRILLO» хусусий корхонасига тегишли, 2009 — 2010 йилларда қурилган, умумий майдони 1000,0 кв.м., қурилиш майдони 747,04 кв.м.дан иборат бўлган тўйхона биноси ва маиший хизмат шохобчалари қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 116 000 000 сўм.*

***Аукцион савдоси 2012 йил 3 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 29 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:**
**Қарши шаҳри, М. Абдуллаева кўчаси, 20-уй. Телефон: (8-375) 225-44-58. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.* 921A/1441



**ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР**

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

**ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)**

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.**
**Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.**

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

03R/1304

ASAKA BANK

**«Асака»**

**давлат-акциядорлик тижорат банки**

**фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг озаки мурожаатларини ўз вақтида ва холисона кўриб чиқиш мақсадида банк бош офисида кўп каналли ягона**

**120-82-88**

**рақамли**

**«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»**

**ташкил этилганлигини маълум қилади.**

920R/15

**«Меҳрли савдо» шўъба корхонаси**

***«Мадамин» МЧЖ таъсисчиларининг 2012 йил 15 майдаги қарорига асосан, ўзининг қайта ташкил этилиб, «Beminnat Savdo» масъулияти чекланган жамиятга айлантирилишини маълум қилади.***

**«Beminnat Savdo» МЧЖ «Меҳрли савдо» шўъба корхонасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.**

*Барча керакли ҳужжатлар билан қуйидаги манзилда танишиш мумкин: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.*
*Телефон: (8-371) 237-14-92.*

914A/689

**СОТАМИЗ:**

- **ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ*** 15 кВтдан 2000 кВтгача
- **БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР** 100 кВтдан 5000 кВтгача
- **НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*:** турли хил ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
- **ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.**

*Буюртма бўйича.*
** Маҳсулот сертификатланган.*

**Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.**
**Моб. тел.: (+99870) 713-96-80, (+99870) 713-70-10, (+99897) 711-58-65, (+99870) 346-92-25.**
**e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com**

836R/566


## ОБ-ҲАВО (2 июнь)



| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
| --- | --- | --- |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +18 +23 | +34 +39 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +18 +23 | +33 +38 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +15 +20 | +32 +37 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +15 +20 | +32 +37 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +18 +23 | +34 +39 |
| Тошкент шаҳрида | +17 +19 | +34 +36 |


**«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси**
**«Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси**

**ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ**

***қуйидаги кимёвий реагентларни сотиб олиш юзасидан 08/12-сонли тендер савдосини эълон қилади.***

| Лот сони | Кимёвий реагент номи | Миқдори |
| --- | --- | --- |
| *Лот № 1* | Алюминий оксиди, адсорбент PA | 178 тонна |
| *Лот № 2* | Қаттиқ қоришма G84 | 14,4 тонна |
| *Лот № 3* | Циклогексан SH | 300 тонна |
| *Лот № 4* | Катализатор CAB | 11510 кг. |
| | Катализатор CAB-2 | 6554 кг. |

**Тендер эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давом этади. Ҳар бир лот учун бериладиган тендер таклифи 1 000 000 АҚШ долларидан ошиб кетмаслиги керак.**

***Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони.***

**Тел./факс: (+998 75) 780-87-74. Факс: (+998 75) 221-09-04, 221-08-46.**
**Электрон почта: tender@sgcc.uz**

917A/88




МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**DONGNAM UZ MOTORS**
**Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99.**
**www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru**

# Ёшлар фестивали

**Самарқанд вилоятида мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллиги олдидан “Камолот” ЁИҲ ташаббуси билан “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ёшлар фестивали ташкил этилди.**

## «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!»

Ўғил-қизларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган мазкур тадбирда юртимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган фаол ёшлар, таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъат усталари ҳамда спортчилар иштирок этишди.

— Фестиваль доирасида ўнга яқин акциялар, юзга яқин тадбирлар ўтказилди, — дейди “Камолот” ЁИҲ вилоят бўлими раиси Алишер Норбоев. — Бу орқали вилоятимизда истиқомат қилаётган ўттиз мингдан зиёд ўғил-қизлар фаоллик кўрсатишди.

Шунингдек, тадбирда Ҳамид Олимжон номидаги вилоят мусиқали драма театрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Адлия, Ички ишлар вазирликлари ҳамда Республика Олий суди билан ҳамкорликда “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танловининг якуний босқичи ташкил этилди. Унда 150 нафар ўқувчи 14 жамоа таркибида ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказди. Якунда Пайариқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш касб-ҳунар коллежининг “Ёш адолатчилар” жамоаси олий ўринни эгаллади. Нукус давлат педагогика институти қошидаги 1-академик лицей жамоаси биринчи, фарғоналик ва сурхондарёлик ёшлар эса кейинги ўринларга лойиқ топилди.

“Сиз севган қаҳрамонлар” лойиҳаси доирасида таълим муассасаларида ташкил этилган “Очиқ эшиклар куни” ҳам ёшларда катта таассурот қолдирди. Бинобарин, иштирокчилар вилоятнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий ёдгорликлари ва муқаддас қадамжолари билан яқиндан танишишди.

Тадбир гала-концерт билан ниҳояланди. Унда мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ иқтидорли ва фаол ёшлар тақдирланди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни олдидан

*Маълумки, 1972 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Стокгольм шаҳрида ўтказилган конференцияси қарорига мувофиқ, 5 июнь “Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни” деб эълон қилинган эди. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган мазкур анжуманда шундай хулосага келиниши бежиз эмас. Чунки ўша даврдаёқ бу ҳаётий муҳим масала мамлакатлар, мутахассислар, умуман, жамоатчилик олдидаги долзарб вазифалардан бирига айланганди.*

# Табиатни асраш — муқаддас бурчимиз

Ҳозирги кунда эса дунё бўйича йилига қарийб олти миллион гектар ер чўлланишга учраётгани, олтмиш мингга яқин ўсимлик, етти мингдан ортиқ ҳайвон турлари йўқолиб кетиш арафасида тургани, қолаверса, аҳолининг кўпайиши ҳамда янги ерларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига сувга бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётгани атроф-муҳитни ҳимоялаш мавзуи ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаганидан далолатдир.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида ушбу санага бағишлаб ташкил этилган анжуманда шулар хусусида сўз юритилди. Унда парламент аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, айни пайтда юртимизда аҳоли, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлодни атроф-муҳитни асраб-авайлаш, уларнинг табиатга бўлган муносабатини янада яхшилаш мақсадида жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётгани, айниқса, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш мақсадида тежамкор лойиҳаларнинг изчил татбиқ этилаётгани амалда ўз самарасини бермоқда. Масалан, Глобал экологик жамғарма, БМТ Тараққиёт дастури ва Урганч давлат университетининг “Наврўз-ёп” суғориш каналининг сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва энергия тежаш мисолида изоляция қилиш” лойиҳасини олиб кўрайлик. 2,5 километр узунликдаги мазкур канал, асосан, Янгиариқ тумани ҳудудидан ўтади. Ундан шу ҳудудда яшовчи аҳоли ҳамда фермер хўжаликлари 400 гектар ерни суғоришда фойдаланади. Оқим тезлиги секундига 1,5-2 кубометрни ташкил этувчи ана шу каналда сувнинг аксарият қисми тупроққа сингиши оқибатида унинг охирида жойлашган хўжаликларга етиб бориши мушкул эди. Лойиҳага биноан, канал полиэтилен плёнка билан иҳота қилинганидан сўнг, олти ой ичида 10 450 944 кубометр обиҳаёт тежалди. Бу — яна 522,5 гектар ерни суғориш мумкин, деганидир.

Анжуманда иштирокчиларга шу каби самарали лойиҳалар ҳақида маълумотлар берилиши баробарида, жорий йилнинг 31 майидан бошлаб республикамизда “Экоҳафталик — 2012” тадбирлари бошлангани айтиб ўтилди.

“Барча учун барқарор энергетика халқаро йили” муносабати билан “Яшил иқтисодиёт: сиз ҳам ҳамроҳмисиз?” мавзуида ташкил этилган мазкур ҳафталикда жойларда экологик йўналишда семинарлар, шунингдек, болалар учун экоакция ва экотурлар уюштирилади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Б у р ж



*Ҳижрий-шамсий йил тақвимига кўра, йилнинг учинчи ойи — жавзо кирди. Кексаларнинг айтишича, буни қушларнинг хатти-ҳаракатидан ҳам билиш мумкин. Негаки, бу пайтда улар ниҳоятда серҳаракат бўлиб қолади. Баъзилари полапон очишга ҳам улгуради.*

## Жавзо: ЕТТИ НЕЪМАТ ЖОЗИБАСИ

Жавзо арабча сўз бўлиб, “Эгизак” деган маънони англатади.

Халқимиз орасида бу ой “Етти сариқ ой” деб аталади. Бундай дейилишининг сабаби бор, албатта. Чунки жавзода етти неъмат — арпа, буғдой, тариқ, ҳандалак, пилла, ўрик, гилос пишиб, йиғиштириб олинади. Бу пишиқчилик мавсуми келганидан далолатдир. Халқимизнинг “Жавзо ярмида сув тагида арпа пишади”, деган мақоли ҳам шунга ишора.

Жавзо ёзнинг бошланиш ойи бўлса-да, ўзгарувчан об-ҳаво унга хос. Кўп йиллик кузатишларга қараганда, баъзан бу ой иссиқ келса, баъзида ёғингарчилик мўл бўлади.

Жавзонинг ёмғири чорвачиликка ҳам, деҳқончиликка ҳам зиён. Сабаби, ёмғир жалага айланиб, айни қирқимдан чиққан қўйлар, қорамоллар ва экинларга талафот етказиши мумкин. “Жавзода жавраб ўлган ҳўкизим”, “Жавзода ёққан ёмғирдан илон ёққан яхши”, дейишларининг боиси шундан бўлса керак.

Асаларичилар учун бу ой энг қизғин иш палласи ҳисобланади. Жавзода олинган асал энг қимматбаҳо саналади. Буни улар тоғу адирликларда шифобахш гулу гиёҳларнинг гуллаши ушбу даврга тўғри келиб, асаларилар болни улардан йиғиши билан изоҳлашади.

Қисқача айтганда, жавзо ҳосил йиғиш ва яратиш мавсумидир. Ниятимиз, бу йил ҳосилнинг баракасини берсин, хирмонларимиз сарбаланд бўлсин!

**Р. САИДОВ тайёрлади.**

## Маданият хабарлари

*Ўзбек миллий академик драма театрида Мустаҳкам оила йилига бағишлаб, “Яраланган оққуш ноласи” номли спектакль тақдимоти бўлиб ўтди.*

### Спектакль тақдимоти

Асарда ота ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар, меҳр-оқибат, инсоний ҳис-туйғулар драматик талқин орқали очиб берилган. Спектаклда бош ролларни халқимизнинг севимли актёрлари — Турғун Азизов ва Зуҳра Ашурова ижро этишган.

**Саодат УСМОНОВА.**

*Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон санъат усталари асарларининг ретроспектив кўргазмаси очилди.*

### Тарих манзаралари

Экспозициядан ўрин олган рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик жанрларидаги дурдона асарларнинг кўпчилиги 1930 — 1950 йилларда ишланган. Уларда таниқли санъаткор ва ижодкорлар портретлари, юртимизнинг табиат манзаралари ўз ифодасини топган. Жумладан, Чингиз Ахмаровнинг “Бобо ва набира”, “Суҳайл ва Гулдурсун”, Тачат Оганесовнинг “Чексиз кенгликлар”, “Баҳор”, “Анорлар”, Лутфулла Абдуллаевнинг “Халқлар дўстлиги”, “Пахтакорлар” каби ноёб асарлари мухлисларда катта таассурот қолдирмоқда.

**Элдор МАДАТОВ.**

## «Таътил — 2012»

*Бўстонлиқ туманида болаларнинг ёзги таътилни мароқли ўтказишларига хизмат қилувчи яна бир муассаса — “Happy Summer” интеллектуал оромгоҳи иш бошлади.*

### Сўлим ва хушҳаво оромгоҳ — болаларга

Чотқол тоғи ёнбағридаги Бурчмулла қишлоғида бунёд этилган мазкур дам олиш масканида ёшларнинг мактабда олган билимларини мустаҳкамлашлари, маданий кўнгилочар тадбирлар ўтказишлари ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун барча шароит муҳайё қилинган. Шунингдек, оромгоҳда дам олувчилар замонавий ахборот-ресурс маркази, муҳташам овқатланиш мажмуаси, сўлим боғ ва хиёбон, сунъий сув ҳавзалари ҳамда аттракционлар хизматидан ҳам фойдаланадилар.

Куни кеча мазкур муассасада ёзги соғломлаштириш мавсумининг биринчи навбати бошланди. Унинг илк меҳмонлари кам таъминланган оилалар ҳамда пойтахтдаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари бўлишди.

Умуман, жорий йилги ёз мавсумида пойтахт вилоятининг сўлим ва хушҳаво ҳудудларидаги махсус оромгоҳлар 30 мингга яқин болаларни ўз бағрига олади.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


• Реклама ва эълонлар •

TAKLIF ETAMIZ!

Geologiya, yoqilg‘i-energetika, kimyo, neft-kimyo va metallurgiya sanoati soha korxonalari tarmoq sanoat yarmarkasi

Tarmoq sanoat yarmarkasi va Kooperatsiya birjasi, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlariga buyurtmalar portfelini shakllantirish, o'zlari ishlab chiqargan mahsulotlarni yetkazib berish bo'yicha respublikaning yetakchi tashkilotlari bilan tendersiz o'zaro manfaatli shartnomalar tuzish uchun ajoyib imkoniyat yaratadi!

2012 yil 14 - 16 IYUN KUNLARI

«O‘zekspomarkaz» MKK OAJ ko‘rgazma maydonlarida
Tel.: 238-54-13, 238-53-52.



Xalqaro sanoat yarmarkasi va Kooperatsiya birjasi direksiyasi

916R/1450



Республика олимпия захиралари теннис мактаби (РОЗТМ)

2001 — 2002 йилларда туғилган, ўрта умумтаълим мактабларининг 4-синфини битирган, шунингдек, 1999 — 2000 йилларда туғилган, 5, 6-синфларни битирган, республика мусобақалари ғолиби ва совриндори бўлган ҳамда Ўзбекистон теннис федерацияси рейтингига эга ўғил ва қиз болалар

қабулини эълон қилади.

*Ҳужжатлар 2012 йил 2 июлдан 30 июлгача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч мавзеси, РОЗТМ.*

*Танлов-тест синовлари 2012 йил 5 августдан бошланади.*

Тўлиқ маълумотни вилоятлар теннис федерациялари ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармаларидан, шунингдек, қуйидаги сайтлардан олиш мумкин:
www.gigal.uz РОЗТМ, www.madaniyat.sport.uz, www.tennis.uz
Тошкентдаги телефон: (8-371) 263-74-96.



888R/649

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 16 майдаги 10-1219/5906-сонли ажримига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олой (собиқ А. Толстой) кўчаси, 23-уй манзилидаги, умумий ер майдони 592 кв.м. бўлган, майдони 555 кв.м. бўлган 4 қаватли маъмурий бинонинг биринчи қавати қўйилмоқда.**

*Бошланғич баҳоси — 573 583 679,31 сўм.*

**Аукцион савдоси 2012 йил 5 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 3 июль куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки» ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

*Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz*

*Лицензия: RR-0001.*

922A/1441

Qishloq Qurilish Bank

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

*пул санаш машинкалари ва пул қадоқлаш мосламалари сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.*

*Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.*

Қўшимча маълумотлар учун манзил: 100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз к., 36-уй. Телефон: (+99871) 150-76-54, 150-76-53.

923A/697


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоаси Офтальмология кафедрасининг мудири, профессор Холиджон Камиловга қизи **Дурдона ХОЛИДЖОН қизининг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси Иккинчи чет тиллари кафедраси ўқитувчиси Гулжаҳон Жониқуловага падари бузруквори **Саитмурод ЖЎРАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Узоқ Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё минтақаси иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги кафедраси собиқ профессори **Тельман САТТАРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 90 424 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5